

**ДУСТЛИК
ТУФАЙЛИ
ҚУДРАТЛИ**

«Социализм дунёси рақамлар ва фактларда» справочникни босмадан чиқаришди. Унда социалистик мамлакатлар 1983 йилда эришган энг муҳим ютуқлар кўрсатиб ўтилади. Рақамлар ва

фактлар асосида йиғилган кенг куламли материал халқ ҳужалиги тармоқларининг ривожланишини, меҳнаткашлар моддий ва маданий даражаси ўсганлигини, таълим индустрияси алоқаларининг кўривилигини ва ривожланишини кўрсатади.

Справочникни Сийёс адабиёт нашриёти чоп этди.

**ЖАНГОВАР
ПЛАКАТЛАР**

Улуғ Ватан уруши йилларида жанговар плакат жанри кенг ривож топди. Она-Ватанини ҳимоя қилиш, фашизмга нисбатан нафрат уйғотишга бағишланган плакат расмлар ҳам қўйлаб яратилди. Ўзбекистонлик расмлар чизган расмларда ҳам бу мавзу етакчи ўрни тугди.

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан ана шу каби даъваткор асарлар

асосида жойларда кўргазмалар ташкил этиш кўзда тутилди. Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида сақланган жанговар плакатлар ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

Таниқли расмолардан Н. Кашина, В. Рождественский, Г. Карлов ва бошқалар чизган расмлар асосида тайёрланган «Она-Ватан жангчиларини фронтга чорлайди», «Орқага бир қадам ҳам...», «Фашистларга ўлими!» каби плакатлар ҳам намойиш этилади.

С. ОДИДОВА.



ОҲАНГАРОНЛИКЛАР ҲУЗУРИДА

Халқимиз дорбозлар санъатини азалдан севинишди. Уларнинг мардона, чаққон ҳаракатлари кишини дол қолдиради. Яқинда ана шундай халқ севган дорбозлардан бир гуруҳи Оҳангарон районидаги Ворошилов номи совхоз меҳнатчилари ҳузурида бўлиб, томошалар кўрсатишди.

Оилавий дорбозлар раҳбари Тўлқинжон Бойтаев кўп йиллардан буён дор устида ўйинлар кўрсатиб, оғир тошларини тишида кўтаришдек мураккаб машқларни бажариб халқ эътиборини қозониб келмоқда. У акиси Эркинжон ва унаси Тўйчибойлар билан биргаликда 1982 йил Ўзбекистон телевидениесининг «Цирк» телевизион конкурси ғолиби бўлди. Ки-

чик дорбозлардан сажининчи синф ўқувчиси Зулхуморой, олтинчи синф ўқувчиси Эргашжон ва беш ёшли Лоқинжонлар иккунга эътиборни ўйинлар ҳам барчага манзур бўлмоқда.

Бу оилавий санъат усталари томошаларини маъроқли ўтишида музика раҳбари З. Турниқов ва сўз устаси Х. Турдиевларнинг ҳам ҳиссалари катта бўлмоқда.

Дорбозлар Коммунистик районидаги Янгйозор маданият уйи аъзоларидир. Улар ранг-баранг программалари билан областимизнинг турли районларида бўлиб, томошабинлар дилини ҳушнуд этмоқдалар.

М. АЗИМОВ.

ИТТИФОҚДА БИРИНЧИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтига активацион анализ соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари мамлакатимиз илмий жамоатчилигининг юксак баҳосига сазовор бўлди ва институт бу соҳада СССР миқёсида етакчи илмий муассасага айланди.

Бу ерда иттифоқда биринчи бўлиб биологик объектлардаги микроэлементлар таркибини аниқлашда активацион анализдан фойдаланиш жорий этилди.

Ҳозирги пайтда республикадаги 15 та давлат муассасасида ва биологик тадқиқотлар билан боғлиқ институтларда активацион анализдан кенг фойдаланилмоқда. Бу усул шунинг касалликлар, юрак-томир хасталикларидидаги элементлар миқдорининг ўзгариб туришини тезда билиб олиш ва аниқ диагноз қўйишда катта қўлайлик яратди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

ТОНГ СОҒИНЧИ

(СОНЕТЛАР)

I

Тождай порлар бошингда
офтоб,
Олар у ҳам меҳриндан
эм.

Кулоҳингдир серюлдуз
хубоб,
Меҳварингда айланган
дунё.

Илк бор Шарқда ёқиндан
сен машғул,
Иниқлибий байроқ
кўтариб.

Доҳий Ленин олға йўл
бошлаб,
Истиқболга қўйилди
тамал.

Ўзгарди онг, ўзгарди
замон.
Она юртим, аммо сен
ҳамон

Ўзгармас ишқ-олов
томчисан.
Тилагини музаффар
этган.

Юрагини мунаввар
этган
Офтоб мисол ишқини
тожисан!

II

Офтоб мисол ишқини
тожисан,
Идрокимнинг султони
ўзинг.

Эл ҳумосин осмони
ўзинг,
Бахт баҳорин
ўзинг.

Улуғбекдек кўзларим ҳар
вақт
Осмондадир, ўзингсан
зеро.

Бошим узра айланган
хумо—
Керак эмас менга бошқа
бахт!

Ўтмиш этди қуликка
маҳкум,
Этди ҳумонг осмондан
маҳрум.

Халқинг бағрин кемирди
итоб...
Буқун сенга ҳар кўнгли
ошиқ.

Барча битар шаънингга
қўшиқ—
Сен дилларга битилган
китоб.

III

Сен дилларга битилган
китоб—

Ки. Мажнун ҳам дарс
олмай ундан,
Байтга жо ҳар бир
уқундан

Тутангирқ сўрағай
офтоб,
У китобни ёқолмас ҳеч
ким.

Қалбга ўйиб
битилгандир у.
Сени севса, йўқолмас
ҳеч ким.

Сен борсанки, тиркидир
мангу.
Қолмас сенсиз ҳаёт
маъноси—
Сенсан, юртим, ҳар
битта ўзбек

Қалбдаги яшаш индоси...
Ҳа, элмининг бахт—
қувончисан,
Сенсиз олам ўйилган
кўздек:

Кўзлардаги гавҳар
томчисан.
IV

Кўзлардаги гавҳар
томчисан,
Сен туфайли чароғон
олам.

Душманингни минг йил
кейин ҳам
Қувлаб солган аччиқ
камчисан.

Татиб кўрди араб
маъзаби
Сенинг қамчинг
аччиқлигини.

Дўстга қалбни
оччиқлигини
Билар барча беш бармоқ
каби.

Ўн беш ўлка, жумладан
сен ҳам
Тоғанингни кўрасан
баҳам.

Қаҳринг қаттиқ ким
қутарса тиг.
Қардошларинг боқар
қувониб,

Офтоб турар кўнглида
ёниб,

Гавҳар томчи — қорачиқ
янглиғ.

V

Гавҳар томчи — қорачиқ
янглиғ
Ленин сўзи ёритиб дилни,
Еруғлиқа бошлади элни,
Унинг нури қалбларда
ёниқ.

Ўлкам, сен ҳам олиб ундан
нур,
Партиянинг бордир
йўлдан.

Рус халқининг тутдин
қўлдан,
Дўстлик билан ёришиш
шуур:

Қардошлар деб фидо
этдик жон,
Қардошлар ҳам бўлдилар
дармон—

Оғир пайтлар турмади
қараб.
Дўстлик руҳи яшнаб—
лайраси,

Бизлар мудом дўстлик
ойнасин
Ўғборлардан ўтгайимиз
асраб.

VI

Ўғборлардан ўтгайимиз
асраб
Муқанна Тоғорбий каби.
Берунино Форобий каби
Келмоқдаимиз шухратинг
тараб.

Ал-Хоразмий,
Ибн Синолар
Балқид ахир бамисли
қуёш,

Фан оламин айлди
нурпош
Лиа қанча улуг сиймолар.
Алишернинг шеърят
қалби.

Шоирларнинг энгилмас
алии,
Ўтди сени шарафга ўраб.
Эл орузини кўрди
олдиндан,

Истиқболга юрди
олдиндан

VII

Гўдагининг кўзига
қараб.
Гўдагининг кўзига
қараб

Ҳатто ҳушини йўқотди
Чингиз

Тоштан чоғи бамисли
денгиз

Гўдакларинг кўзига ғазаб.
Айтсин, сиртга чиқмайин
кетган

Жалолдиннинг ўғлини кўз
ёши?

Айтсин, Мўмин
Мирзонинг боши—
Гўдак фаҳми неларга
етган?

Донмо бахт, надомати
ҳам.

Нафратли муҳаббатни ҳам
Фарзандларинг кўзига
ёниқ.

Ўтмишининг изига
боқиб,

Бугунингнинг юзига
боқиб,

Кўролғайимиз эртангин
аниқ.

VIII

Кўролғайимиз эртангин
аниқ
Жаҳон шошган
довонларингдан,

Жаҳон ошган
хирмонларингдан
Яна не бор дунёда

Чийралгандир деҳқонинг
дили

Ҳар толасин қати-қатига.
Деҳқонининг
муҳаббатига

Оқиз эрур қаламни
тили.

Фақат унинг оппоқ
ўйини —

Хирмон-хирмон тилсин
қуйини

Тинглайғайимиз ўртаниб
ҳар дам.

Деҳқонининг ўйи —
ўзингсан,

Жаҳон қучган қуйи —
ўзингсан,

Ўзбекистон — Ватаним,
онам!

Эргаш МУҲАММАД.

**ТОМОШАБИНЛАР
СОНИ КЎПАЙДИ**

Областимиз шаҳар ва районларида аҳолининг 472 та киноустановака хизмат қилмоқда. Шу йилнинг ўн бир ойи ичида томошабинлар сонини ўтган йилга қараганда 192 минг кишига ортди ва 14,5 миллион кишига етди. Кинотеатрларда тематик лекторийлар, санъатимизнинг таниқли актёрлари билан учрашувлар, «Киноактёр — томошабин меҳмони», «Халқжамил фильмлар қаҳрамонлари сизнинг ҳузурингизда» каби суҳбат даражаларининг мунтазам ўтказилганини туфайли бундай ютуқларга эришилди.

Сеанслардан тушган маблағ ҳам ўтган йилдагидан кўпайиб 3 миллион 42 минг сўмдан ошди.

С. ҲАСАНОВ.

ДЕВОР... электр энергия

Девор... электр энергия манбаи? Деярли ўн километр узунликдаги деворсимон иншоотни кўз олдингизга келтириб кўринг. Баландлиги 150 метр бўлган улкан устуларга ниҳоятда ингичка найчалардан тайёрланган махсус тўр осланган. Иختирочи, америкалик инженер Э. Маркснинг фикрича, худди шундай ўн-тача иншоот АҚШнинг электр энергияга бўлган бутун эҳтиёжини ташминлаган бўларди.

Физиканинг элементлар курсидан шу нарса ҳаммага маълумки, қарама-қарши электрик зарядлар бир-бирига тортишади. Улар бир-биридан ажратилса дастлабки ҳолатга қайтишга ҳаракат қилади. Бундай вақтда зарядларни мис симлари каби ўтказгичлар ролини ўйнайдиган жуда ингичка сув оқимлари ташкил этади. Девор турини ташкил этувчи ингичка найчалар сув билан тўлгач унинг бир қисми шу найча-

**БУ—ҚИЗИҚ!
ДЕВОР—ЭЛЕКТР
СТАНЦИЯСИ**

лардаги микроскопик тешикчалар орқали ажралади. Девор худди ер каби мусбат зарядланган бўлади. Бу электр-томошабинлар ҳосил бўладиган сув оқими орқали орқага — девор томонига йўналишга мажбур қилади. Сув оқимлари эса ўз навбатида мусбат зарядларга эга бўлган майда томчиларга бўлиниб кетади, аини вақтда эса электронлар манфий зарядланган бўлади.

Шамол мусбат томчиларни манфий электронлардан ажратувчи куч бўлиб хизмат қилади. Сув томчилари ерга тушгач уларнинг зарядлари тупроқ орқали деворга қайтади ва натижада занкир туғайди. Худди шу занкирда электр энергиянинг ажралаши юзага келади.

Айрим ишоновчиларга бундай электр станциясининг қўйилганлиги ёқмайди. Лекин авторнинг фикрича ҳар бирининг узунлиги 100 километрли юзта параллел деворлар билан ҳам чекланиш мумкин. Иختирочи шамол тезлиги соатига 40 километрга яқин бўлганда бундай де-

ворнинг ҳар бир ярим километрга тахминан 40 мегаватт электр энергияси ҳосил бўлишини ҳисоблаб чиқди. Шундай узунликдаги нуҳона — деворни барпо этиш бор-йўғи 16 миллион сўмга тушади. Шу асосда 500 мегаваттлик оддий иссиқлик электр станцияси қурилиши ва қувватли жиҳатидан унга тенг бўлган 20 километрли девор нуҳонасининг қурилиши учун кетадиган ҳаражатларни солиштириб кўриш мумкин. Биринчиси 500 миллион долларга, девор эса ундан икки ярим баравар арзон тушади. «Сайенс дайжест» журнали шундай хабар беради.

Бироқ, бу масаланинг бир томонидир, холос. Электр энергияси ҳосил қилинишни бу янги усули амалда тоза ҳисобланади. Дарёлар ва ҳаво ифлос қилинмайди.

(«Социалистическая индустрия» дан).

СПОРТ

ФУТБОЛ

Москва спартакчилари УЕФА кубогининг янмочар финалда Ғарбий Германиянинг «Кёльн» коллективни билан учрашди. Мусобақа Тбилис шаҳрида бўлиб ўтди.

Биринчи бўлимда спартакчи Поздняков томонидан киритилган игона тўп ўйин тақдирини ҳал этди. Жавоб учрашуви икки ҳафтадан сўнг Кёльн шаҳрида бўлиб ўтди.

Минскнинг «Динамо» футболчилари эса УЕФА кубогини учун матчи Лодзь шаҳрида «Видзев» командасига қарши ўйнади. Динамочилар 2:0 ҳисобида ғалабага эришдилар.

Соңда «Футбол-хоккей» ҳафталиги соврини учун барча республикалар ва Москва, Ленинград шаҳарлари терма командалари мусобақалари-

нинг дастлабки босқичига якуни ясалди. Кичик гуруҳлар ғолиблари маълум бўлди. Республикамиз ёш футболчилари қатнашган биринчи кичик гуруҳпадан барча ўйинларда ғалаба қозонган, рақиблар дарвозасига 12 тўп киритиб, ўз дарвозаларининг дахлсизлигини сақлаб қолган РСФСР терма командаси ярим финалга чиқди.

КЛАССИК КУРАШ

Ленинградда ёшлар ўртасида хизмат кўрсатган спорт мастери В. А. Раков котира-си учун Бутуниттфокк турнири бўлиб ўтди. Республикамиз спортчилари мусобақадан қийинли кичикроқ эдилар. Ҳаним Накибоев, Аъзам Луқматов, Ўтаман Мажиловлар ўз назарларидан биринчи ўринларни эгаллашди. Олим Қурбонова эса учинчи ўрин насиб этди.

Редактор
Н. НАСИМОВ.


**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР
ТОВАРЛАР—ХАЛҚҚА!**

Компрессор типдаги «ЧИНОР» машийн хаводилынинг тўғрисида гап борганда фақат кўз олдинида қўлайлик намоён бўлади. «ЧИНОР» хаводилынинг ишлашдаги барқарорлиги, диққатга сазовор ташқи кўриниши билан ажралаб туради.

Хаводилынинг умумий ички сийғими — 240 литр. Совутиш камерасининг қоқори қисмида ҳажми 26 литрдан иборат бўлган музлатиш бўлмаси жойлашган. Унинг алоҳида эшикчаси бор. Музлатиш бўлмасидаги температура — 12°С.

«Чинор» ишлатишда қўлай, тўпланган музининг эриши автоматик тарздадир; эриган сув хаводилыни остида жойлашган идишга бориб қуйилади; ноз-неъматларни қўлай жойлаштириш учун суғуриб олинган металл жавонлар бўлиб, уларни ҳар хил баландликда жойлаштириш мумкин.

Баҳоси — 305 сўм.
ТАЙЕРЛОВЧИ — ВОКУ ХОЛОДИЛЬНИКЛАРИ ЗАВОДИ.



«ПАМИР-5» ХОЛОДИЛЬНИГИДА

ПОМИР МУЗЛИКЛАРИНИНГ МУЗДЕК ШАБАДАСИ!
Хаводилынинг музлатиш бўлимидаги температура мунус 12°С дан иборат.

Совутиш камерасининг ҳажми 240 литр, музлатиш бўлимининг ҳажми 22 литр.

Махсус суриладиган заслонкаси совутиш камерасидаги ҳароратни ўзгартириб туради. Муздан эриши ярим автоматикдир. Эриган сув хаводилыни тағига жойлаштириш лг ани идишга бориб қуйилади.

Хаводилынинг баҳоси — 335 сўм.
ТАЙЕРЛОВЧИ — ДУШАНБЕ ХОЛОДИЛЬНИКЛАРИ ЗАВОДИ.

Сабзавот ва мевалар иккита эмалланган идишда алоҳида-алоҳида сақланади. Бу идишлар совутиш камерасининг пастки қисмида жойлашган.

Хаводилынинг баҳоси — 335 сўм.
ТАЙЕРЛОВЧИ — ДУШАНБЕ ХОЛОДИЛЬНИКЛАРИ ЗАВОДИ.

«МИКМА-100»

«МИКМА-100» электр устараси билан соқол олиш ва сочини қирқиш мумкин.

Эластик қирқувчи системаси соқолни фойтда тоза ва тез олади: унинг размери ва фигураси терини тирнаб юбормайди.

Махсус қирқувчи личоқчалардан иборат блокни жойлаштириш мумкинлиги «МИКМА-100» электр устарасида сочини олиш имконини яратди.

«МИКМА-100» электр устараси жаҳоннинг 14 мамлакатига экспорт қилинмоқда.


Баҳоси — 28 сўм.
Тайёрловчи — Москва «Микромашина» заводи.
«МИНЛЕГПИШЧЕМАШ»
«ГЛАВКООПИНФОРМРЕКЛАМА».

«ВЕСНА» КВАРЦЛИ ВА ЭЛЕКТРОН-МЕХАНИК СОАТИ МИНУТ-МИНУТИГАЧА АНИҚ ЮРАДИ!



Соат юришидаги юксак аниқлиқни кварцли генератор ташминлайди.

Электрон-механик соат «373» типдаги бир элементдан қувват олади.



«ВЕСНА» маркасидаги соат ҳар қандай уйнинг кўрки бўлади.

Соатин безатишда металл билан уйғунлаштирилган ёғоч, пластмасса ва органик шиша унга нафислик ва ифодалилик бахш этади.

ЦИНИНТИ.
«ГЛАВКООПИНФОРМРЕКЛАМА».

ТЕАТР

30/ХI да Зебунисо. МУЖИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА—30/ХI да Тошболта ошмиқ, 1/ХII да Олфита.

РЕСПУБЛИКА ҚЎҒИРЧОК ТЕАТРИДА — 30/ХI да Соҳрий тўрқовқ (15.00).